



Овкатланиш тикланиш жараёнининг бир қисми деб ҳисоблаб, Миннесота шифохонаси мусулмон беморларга ва меҳмонларга ёрдам бериш учун менюга халол вариантларни қўшди. "Мени шу нарса қувонтирадики, улар касалхонада булган пайтларида биз уларнинг соғайиб кетишига ёрдам беряпмиз, улар рухсат берилган озик-овкатлар ейишмоқда"-деди бош ошпаз Кайл Везенберг.

Илгари Ислонга эътикод қилган беморларнинг яқинлари ва дўстлари уй ёки халол ресторанлардан шифохоналарга озик-овкат олиб келишлари керак эди. Мусулмонлар жамоаси билан музокаралардан сўнг соғлиқни сақлаш бўйича мутахассис Хани Якобсоннинг айтишича, шифохонада халол меню етишмайди. "Бу жамоа учун жуда муҳим эди", - дейди Якобсон. Везенбергнинг айтишича, халол таомлар тайёрлаш учун алоҳида идиш ва анжомлар ишлатилади. Барча ходимлар ҳам пишириш жараёнида ўқитилди.